

“Лисону-т-тайр” достони шоир умрининг сўнгги йилларида, 1499 йилда ёзиб тугалланган. Филология фанлари номзоди Ш.Эшонхўжаев достоннинг илмий-танкидий матнини яратиб, изоҳлар билан нашрга тайёрлаган (МАТ, 12-жилд). Мазкур нашрда достон хажман 193 боб, 3666 байтдан иборат.

“Лисону-т-тайр” достони фалсафий-тасаввуфий мавзуда яратилган бўлиб, улуғ форс-тожик адиби Фаридиддин Атторнинг “Мантику-т-тайр” достонига жавобан ёзилган. Алишер Навоийнинг ўзи шу достонида болалик давридаёқ “Мантику-т-тайр”ни иштиёқ билан ўқиганлиги ва ёд олганлигини айтади:

Ёдима мундок келур бу можаро,

Ким туфулият чоги мактаб аро.

Ким чекар атфол мархуми забун,

Хар тарафдин бир сабак забтига ун...

Манга ул холатда табъи булхавас,

“Мантику-т-тайр” айлаб эрди мултамас.

Топти сокин-сокин ул такрордин,

Сода кўнглум бахра ул гуфтордин.

Табъ ул сўзларга бўлгоч ошно,

Килмади майл ўзга сўзларга яно.

“Лисону-т-тайр” достони анънавий тарзда Мукаддима, асосий кисм ва Хотимани ўз ичига олади. Мукаддима 13 бобдан иборат.

Достоннинг биринчи боби Аллох Хамдига багишланган. Навоий Аллох бу оламни аник бир режа асосида бунёд килганлиги хакида ёзар экан, унда ҳеч бир нарса тасодифий яратилмаганлигини айтади. Аллохнинг мўъжизаси сифатида бир-бирига зид бўлган тўрт унсур (сув, олов, тупрок ва ҳаво)ни инсон вужудида бир бутун ҳолда бирлаштирганини таъкидлаб, бутун оламни яратишдан мақсад ҳам инсон эканлигини айтади:

Уйлаким душман яротиб ўтка сув,

Елни ҳам туфрокка айлаб адув.

Сунъидин кўргилки мундок тўрт зид,

Бўлуб инсон хилкатида муттаҳид.

Офаринишдин килиб инсон гараз,

Они айлаб халк ичинда беъваз.

Бобда, шунингдек, Алишер Навоий Аллох инсонни ўз сиридан хабардор килиб, халифалик тожи билан юксалтирди, шайтонни эса унга сажда килишдан бош тортгани учун мардуду лаъин (рад этилган ва лаънатланган) килди, дейди:

Хам килиб ўз сирри бирла ганжи роз,

Хам хилофат бирла айлаб сарфароз.

Бўлди саркашлиқдин онинг офати,

Ажзу туффроглик бу бирнинг рофати.

Бирга ул масжудлуг берган ўзи,

Бирга бу мардудлуг берган ўзи.

Достоннинг 2-боби муножотни ўз ичига олади. Бобда Алишер Навоий ўтган умрини сархисоб килар экан, Яратган қошида ўзини беҳад гунохкор деб хисоблайди:

Аллох, Аллох, ўлтурур шармандалик,

Ўдима келса бу янглиг бандалик.

Юз каролиг онча бўлмиш жахл аро,

Ким кўзимга килди олами каро.

Килмадим умрумда бир ракъат намоз,

Сар-басир махзи ниёз, эй бениёз.

Харгиз андок кўймадим туфрокка бош,

Ким кераклик бўлмагай бошимга тош.

Бермадим харгиз гадога бир дирам,

То ўзумни кўрмадим сохиб карам.

Тутмадим отинг килиб фарзоналик,

Сабха элдин осмайин юз доналик.

Бир амал харгиз риёсиз килмадим,

Зарксиз харгиз ўзумни билмадим.

Ўйлаким мендурмен инсон бўлмасун,

Ўйкки инсон – деу шайтон бўлмасун.

3-боб пайгамбар Расули акрам мадхи – наътни ўз ичига олади. Бобда Навоий “Нури Мухаммадия” хакида фикр юритар экан, бу нур олам яратилишидан ҳам илгари мавжуд бўлганлигини, Одам Атодан Шис пайгамбарга ва шу оркали кўплаб насларга ўтиб, расули акрамнинг оталари Абдуллохга етиб келганлиги ва нихоят унинг фарзанди чехрасида пайгамбарлик нури сифатида зохир бўлганлигини ёзади.

Бобда шунингдек, Расули акрамнинг пайгамбарлик даврларидаги фаолиятлари: кофирларга қарши курашганлари, Лот бутининг холини хароб қилганлари, халққа Аллохдан бошқа илоҳ йўқлиги ҳақидаги ҳақиқатни етказганликларига тўхталиб ўтилади. Боб сўнгида Расули акрам ва улар орқали барча яқинлари: саҳоба ва тобеинлар ҳам пок эканликлари айтилиб, уларга салом йўлланади:

Ўзи пок, азвож ила авлоди пок,

Зоти пок, асхоб ила аҳфоди пок.

Анга ҳар дам юз дурудунинг минг салом.

Олам аҳлидин ила ёвмун киём.

4-боб меърож туни таърифига бағишланган. Унда пайгамбаримизнинг ҳузурларига “Руху-л-амин” (Жаброил фаришта) келиб, Яратганнинг хабарини етказгани ва расули акрамнинг Бурок отини миниб, Аллох ҳузурига кўтарилганликлари, орадаги етмиш қават парда кўтарилиб, бор-йўқ тўсиқлар бартараф бўлганлиги, пайгамбаримиз Аллохдан умматларининг гуноҳини сўраганликлари ва Аллох ўз ҳабибининг барча истакларини қабул қилгани ҳақида фикр юритилади.

Достоннинг 5-боби тўрт халифанинг биринчиси Ҳазрат Абу Бакр Сиддик мадҳига бағишланган. Алишер Навоий бу зотни “содиқу сиддик” деб атаб, ташбеҳ санъати воситасида пайгамбаримизни гор ичидаги ҳазинага, Абу Бакр (р.а)ни эса шу ҳазинани

кўриклаб ётган аждахога ўхшатади:

Содику сиддику хамрози онинг,

Хар ёмон-яхшида дамсози онинг...

Ганжким гор ичра пинхонлик килиб,

Аждаходек ул нигахбонлик килиб.

Абу Бакр Сиддикнинг пайгамбаримиздан кейин халифа имом бўлиб колганликларини гўё куёш кетиб, ой колганлигига нисбат беради:

Ўрнига они расул айлаб имом,

Ой бўлиб хуршидга доим маком.

6-боб Ҳазрат Абу Бакр Сиддик ҳақидаги ҳикоятни ўз ичига олади. Ҳикоятда айтилишича, Абу Бакр Сиддик халифалик тахтига ўтирганларида диндан кайтган бир гуруҳ кишилар ислом фарзларидан бири бўлган закотни бекор қилишни талаб қиладилар. Шунда халифа газаб билан: “Пайгамбар қонунида бирор ип миқдорича нарсани ҳам ўзгартириш мумкин эмас. Қимқи бунга қарши бош қўтарса, уларга жавоб қилич ва ўқдир” деб айтадилар.

Достоннинг 7-боби Ҳазрат Умар Форук мадҳига бағишланган. Алишер Навоий ислом оламида ҳакми хатодан фарқ қилишда бу кишига тенг қелувчи бошқа инсон йўқ эди, дейди:

Ҳакми ботилдин бировқим қилди фарқ,

Адли бирла равшан етти қарбу шарқ.

Ондин ўзга йўқ эди офоқ аро,

Балқи ушбу қасри олий тоқ аро.

8-боб Ҳазрат Умар Форукқа бағишланган ҳикоятдан иборат. Ҳикоятга қўра, Ҳазрати Умар Мадойинни эгаллаганларида, жуда қатта ҳазина йиғилади. Ҳазрати Умар бу ҳазина ва мол-мулкка қўз қирларини ҳам ташламайдилар: барча ҳазинани газотга чиқувчилар учун бўлиб беришни буюрадилар.

9-боб – Ҳазрат Усмон (р.а.) маххидадир. Ҳазрат Усмон пайгамбаримизнинг икки кизларига уйланганликлари учун “зуннурайн” лакабини олганлар. Алишер Навоий бу зотни Куръони Каримни тўплаганлари сабаблари халк Усмон ибн Аффон деб атади дейди:

Тенгри айлаб жомеъи “Куръон” они,

Халк деб Усмон бин Аффон они.

10-боб Ҳазрат Усмон хакидаги хикоятни ўз ичига олади. Хикоятга кўра, пайгамбаримиз бир куни элдан фарогат истаб, хилватга кириб, бир оёқларини узатиб ўтирадилар. Уларнинг хузурларига баъзи зодагон сахобалар, айрим азиз ва шариф кишилар кирганларида ҳам уларнинг холатларида ўзгариш бўлмайди. Лекин хонага хазрат Усмон киргач, расули акрам узатган оёқларини йигиб оладилар. Бу пайгамбаримизнинг хазрат Усмонга бўлган чексиз хурматлари ифодаси эди.

11-боб мўминлар амири Ҳазрат Али (р.а) маххига багишланган. Навоий бу зотнинг пайгамбаримизга фарзанд даражасида бўлганликларини айтиб, улар орасида “мен сеникиман, сен меникисан” деган ахд мавжудлигига ишора килади:

Анбиё сархайлига фарзанд ул,

Хайли одам ичра бемонанд ул...

Иттиходида нубувват шамъининг

Сўзи буким сен менингсен, мен сенинг.

12-боб Хазрат Алига багишланган хикоятни ўз ичига олади. Хикоятга кўра, газот жангларида бирида Хазрат Алига ўк тегади. Ўкнинг учи уларнинг суякларига ботиб, тортиб олишнинг иложи бўлмайди. Шунда саҳобалар пайгамбаримиздан бу ишнинг чорасини сўраганларида, расули акрам “У намоз ўкиётган пайтда ўкни тортиб олиш пайида бўлингиз. У намозга шундай берилган бўладики, ўкни тортиб олганларинг билмай қолади”, - дейдилар. Саҳобалар айтилгандек қилдилар ва Аллох қушойиш бериб, бир лаҳзада жароҳатдан на дарду на ўк учи қолади.

13-боб буюк форсигўй адиб Фаридиддин Аттор мадҳига багишланган. Алишер Навоий сўз ўйини воситасида шоир таҳаллусига мажозий нисбат бериб, бу дўконда оламдаги барча бойликлар: дуру гавхарлар, гулобу мушки анбарлар, ширинликлар жамъ эканлигини айтади:

Хар не гардун баҳр ила қонида бор,

Онча юз Аттор дўқонида бор.

Алишер Навоий Аиторнинг ёзган асарлари халк учун гулканд каби фойдалидир дейди ва шу муносабат билан унинг асарлари рўйхатини келтиради: “Мушибатнома”, “Илохийнома”, “Уштурнома”, “Лужжаи хилол”, “Тазкирату-л-авлиё”, “Мантику-т-тайр” ва бошкaлар. Боб сўнгидa Навоий агар Хак мадад берса, мендек гадо Шайх рухидан ёрдам олиб, кушлар нуткини изхор килсам, яъни “Мантику-т-тайр”га жавоб ёзсам дейди:

Лек хак тавфик берса, мен — гадо,

Шайхнинг рухига айлаб иктидо.

Ўйла кушлар нуткини изхор этай,

Булбулу тўти киби гуфтор этай.

Ким халойик чун тараннум айлагай,

Куш тили бирла такаллум айлагай.

Лек сурмак нуктани тўти мисол,

Будур инсоф ўлса, эй фархунда фол.

Ким бу тўти тўмаси бўлгой шакар,

Ул шакар фикр айласанг бўлгай магар.

Тенгрининг лутфу иноят хонидин,

Яъни, ул Атторнинг дўконидин.

Достоннинг асосий кисми 14-бобдан бошланади. Бир куни барча кушлар мажлис курмок учун йигилибдилар. Лекин мажлисда ўрин талашиб, жанжаллашиб колибдилар. Шунда улар агар бир адолатли подшо бўлганда, бахсга хожат колмаган бўларди, деб ўйлабдилар. Шу вақт Худхуд деган куш шундай подшоҳ борлигини, унинг номи Симург эканлиги ва Симургнинг хузурига бормокчи бўлганлар узок ҳамда машаккатли йўлни босиб ўтишлари зарурлигини айтади:

Борча олам кушларига шох ул,

Холингиздин мў-бамў огох ул.

Ул ёкин сизга-ю сиз ондин йирок,

Васл – анга ойин, вале сизга – фирок.

Йўлида етса талабдин минг тааб,

Хам анга етмас киши килмай талаб.

Лекин ул водий ниятдин узун,

Катъида офат ниятдин фузун.

Умрлар урмок керак тинмай канот,

Неча каркас умрича бўлса хаёт.

Кушлар Худхуд бошчилигида йўлга тушадилар. Бир неча кун йўл юргач, машаккатли сафар уларни толиктиради. Улар ортга кайтмокчи бўладилар ва бирин-кетин Худхудга ўз узрларини айта бошлайдилар. Дастлаб Тўти узр айтади. Худхуд унга жавобан “Хийлагарликни касб килган яшил чакмонли киши” билан боғлиқ хикоятни келтиради. Тўтидан сўнг Товус узр айтиб, “Тангри мени атрофдагилар кўриб, хуснимга тахсин айтишлари учун яратган, шундай экан, менга бу сафардан не хожат”, - дейди. Худхуд унга жавобан ма сҳарабоз бир хиндунинг ўзини турли нақшу нигорлар билан безаб, майдонда томоша кўрсатгани, унинг атрофи бир гала бебошлар тўдаси билан тўлгач, назоратчилар томонидан тутиб олиниб, дарра билан савалангани хақидаги хикоятни келтиради. Ундан сўнг Булбул узр айтади. У ўз чаманидаги бир гулга ошиқлигини, гулдан айрилиқка чидай олмаслиги ва бу сафар унга чексиз хажр азобини олиб келаётганлигини баён қилади. Худхуд унга бир подшоҳга ошиқ бўлиб қолгани хақида лоф урган гадо хикоятини келтиради. Шу тарика Кумри, Кабутар, Кабқи дариий (Тог қаклиги), Тазарв, Қарчилиғай, Шунқор, Бургут, Қуф (Бойўғли), Хумой, Ўрдақ, Товуқ (Хўроз) қабқи қушлар ўз узрларини айтадилар. Худхуд уларнинг ҳар бирига мос ҳолатда турли хикоятлар билан жавоб

кайтаради.

Кушлар йўлларида давом этадилар. Улар Худхуддан Симургга етишиш йўли хакида сўрайдилар. Худхуд уларга достондаги энг катта ва алохида мавкега эга бўлган “Шайх Санъон” хакидаги хикоятни сўзлаб беради.

Хикоятда келтирилишича, Шайх Санъон [\[1\]](#) исмли авлиё Каъбадаги барча шайхларга муршид – устоз даржасида эди. Унинг 400 га якин муриди бўлиб, уларнинг хар бири Жунайд [\[2\]](#) ва Боязид [\[3\]](#) ларга тенг эди. Шайх Санъон тушида бирор нарсани кўрса, бу воқеа ўнгида ҳам юз берарди. Бир куни у тушида Рум мамлакатида бутхона ичида маст холда сайр килиб юрганлигини кўради. Уйғониб, бу холига тавба килади. Лекин бу туш бир неча бор такрор бўлгач, унинг таъбири такдири билан алоқадор эканлигини хис килиб, ўз муридлари билан Рум сари йўлга тушади. Нихоят Рум ўлкасига етиб келишади. У ерда гаройиб бир бутхонани кўрадилар. Шайх бутхонага киргач, холатида ўзгариш содир бўлади, кўнгли изтиробдан бетокат бўла бошлайди. Шунда беихтиёр унинг каршисида юзига парда тортган тарсо (христиан динига мансуб) киз пайдо бўлади. Шамол кўтарилиб, гўзалнинг юзидаги парда очилгач, Шайх ўзидан кетиб, тупрокка йикилади. Шу тарика Шайх ишк дардига мубтало бўлади. Навоий унинг изтиробли холатини шайх тилидан шундай тасвирлайди:

Ким:— «Бўлур хар лахза ранж афзун манга,

Не эдиким килдинг, эй гардун, манга!

Офиятдин ишк сори бошладинг,

Юз ёнар ўт ичра олиб тошладинг...

Оллох! Оллох! Не кечадуз бу кеча!

Саъб мундог, ё раб, ўлгайму кеча!

Ўткарибмен кўп суубат кечалар,

Кўрмадим мундог укубат кечалар!..

Дўстлар, нетти мадад еткурсангиз,

Жамъ ўлуб мен зорни ўлтурсангиз.

То кутулса дахр оримдин менинг,

Дахр эли афгону зоримдин менинг.

Жонима, асхоб, тиги катл урунг.

Куйдуруб, харён кулумни совурунг.

То жахонда бўйла расво бўлмайин,

Бир ўлай, юз катла хардам ўлмайин!»

Шайхнинг бу мусибатли холатини кўриб, муридлари насихатлар бера бошлайдилар. Улар шайхга акл мезони билан хитоб этадилар, шайх эса ишк йўсинида жавоб кайтаради. Муридлар унга тахорат олиб, ибодат килмокни маслахат берганларида шайх уларга шундай жавоб кайтаради:

Шайх деб:— «Йўк кўз ёшимдин ўзга сув,

Кон келур хардам богирдин кўзга сув».

Муридлардан бирининг Каъбани зиёрат килмок даркор деган даъватига Шайх томонидан шундай жавоб бўлади:

Шайх дебким: “Онда килгонни талаб,

Мунда топдим, не чекай ул ён тааб”.

Шу тарика Шайх хар муриднинг куйиниб айтган ўғитларига ишк сўзи билан жавоб кайтаради.

Бутхонадаги кишилар эса дин ахлининг бу холатини мазах килиб, ўз динларининг устунлигини гумрохларча таъкидлай бошлайдилар. Бу хол тонг ёришгунга кадар давом этади. Муридлар номусга чидай олмай, шайхни ёлғиз ташлаб кетадилар. Шайх бутхонадаги болаларга ҳам масхара бўлади. Шу тарика орадан бир ой ўтади. Нихоят, тарсо кизи яна бутхонада пайдо бўлади ва исломдек буюк дин пешвоси Шайхнинг кофирлар бутхонасида бу тарзда яшашидан максоди не эканини сўрайди. Шайх тарсо кизига ўз холини баён килиб, буларнинг барчасига сабабчи сенинг оразинг, деб жавоб беради. Тарсо кизи шайх ишкнинг далили сифатида унга тўрт шартни бажариши ва икки журмона (жарима) тўлаши кераклигини айтади. Айтилган тўрт шарт куйидагилар эди:

- 1) май ичмок;
- 2) зуннор богламок;
- 3) Куръонни ўтда куйдирмок;
- 4) бутпарастлар динига кирмок.

Журмона сифатида эса бир йил давомида чўчкабокарлик килиш ва оташгоҳда ўт ёкишни буюради. Шайх бу шартлар ва журмоналарни ортиги билан адо этади. Шу тарика орадан бир йил ўтади.

Шайхнинг Каъбада бир фоний [\[4\]](#) муриди бўлиб, Шайх Румга отланганида у бошқа бир мамлакатда сафарда эди. Сафардан кайтгач, Шайхни тополмай, бўлиб ўтган воқеалар хақида суриштиради. Муридлар унга ахволни баён қиладилар. Фоний мурид уларга таъна қилиб шундай дейди:

Шайхким, пир эрдию, сизлар мурид,

Борчага иршодидин беҳбуд умид...

Шайхингизга бевафолик бошлабон,

Киблангингизни дайр ичинда ташлабон....

Одами бўлса, вафо андин йирок,

Ит вафо бобида андин яхширок...

Шу тарика шогирд бу ерда ўтириш билан иш битмайди, деб барча муридларни Рум сари йўлга бошлайди. Етиб бориб, кўрадиларки, Шайхда на ислом, на иймон маслагидан асар колмаган эди. Содик шогирд бу холни кўриб, ох уради ва кеча-кундуз Яратганга муножот килиб, Шайхнинг хакига дуо ўкийди ва, ният, Аллох унинг дуосини қабул этади. Шайхга гойибдан огохлик етиб, кўзларидан хижолат ёшларини тўкиб, садокатда бемисл бўлган шогирдига узрхохлик килади. Шайх яна эгнига поклик хиркасини кийиб, ўз муридлари билан Каъба сари йўл олади.

Румда колган тарсо кизи туш кўради. Тушида Исо (а.с.)дан: “Шайх Санъондек буюк мурид сенинг хузурингга меҳмон бўлиб келсаю, сен мезбонлик одатини билмасдан унинг бошига не кунларни солдинг?! Энди вақтни ганимат билиб, унинг ортидан бор, динига мушарраф бўл”, – деган хабар келади. Тарсо кизи ох урганча, кўзларидан наломат ёшларини тўкиб, Каъба томон йўлга тушади. Йўлда унга хасталик ва ожизлик юзланиб, тупрок устида хушидан кетади. Шайхга бу хол аён бўлиб, муридлари билан ортга қайтади ва тарсо кизининг сўнгги лахзаларда иймон соҳибаси бўлиб жон беришига шохид бўлади. Алишер Навоий хикоят сўнггида ишкка шундай таъриф беради:

Ишк бахредурки, йўк поён анга,

Хар хубоби гунбади гардон анга...

Оламедур ишк, лекин бас васеъ,

Торамедур ишк, лек асру рафеъ...

Шу ўринда Навоий агар унга Аллох умр берса, ўз ишк шархини назмга солиб, бир достон ёзиш нияти борлигини айтади:

Бир неча кун умрдин топсам амон,

Шархи ишким назм этай бир достон.

Анда билгай кимгаким инсофдур,

Ким сўзум чинмудурур ё лофдур.

Маълумки, тасаввуфда Хакни танишнинг икки йўли мавжуд. Биринчиси хаяжонли, рухий кечинмаларни ошкора изхор этиб бориш майли бўлса, иккинчиси осойишта, ички дардни яшириш майлидир. Биринчи майл “сукра” (мастлик) йўли деб аталиб, унинг йирик намояндалари сифатида Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Абу Саъид Абулхайр, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Боборахим Машраб номларини келтириш мумкин.

Иккинчи майл сахв (хушёрлик) йўли деб номланиб, унинг тарафдорлари каторида Жунайд Багдодий, Саъдий Шерозий, Бахоуддин Накшбанд каби ижодкорларларни санаб ўтиш мумкин.

Адабиётшунос олим Н.Комиловнинг фикрича, Шайх Санъоннинг барча диний илмлари ва Куръонни унутиши бу Хакка етиш учун дунёвийликдан, жумладан, акл ва аклий нарсалардан кутулиш, ўзлигини унутишга ишорадир. Унинг хотираси кайтиши эса, суқрадан сахвга кайтиш хисобланади. Хакикий бако эса сахв, яъни хушёрликка кайтишдан кейин бошланади. Суқрадаги солиқ бамисоли денгизга шўнгиб, гарк бўлган киши бўлса, сахвга кайтган денгизга шўнгиб, гавхар доналарини олиб кайтиб чиккан гаввос кабидир.

Худхуд хикоятдан сўнг асл манзилга етиш учун 7 водийни босиб ўтиш кераклигини айтади. Кушлар водийлардан ўта бошлайдилар:

1. *Талаб* водийси – кушларнинг Симург васлига талабгорлиги билан боглик бўлиб, Навоий бу водийга шундай таъриф беради:

Чун талаб водийсига кўйсанг кадам,

Оллинга хар дам келур юз минг алам...

Истамак ранжи кўнгулни зор этар,

Топмомоглиг рухни афгор этар...

Ламъа кўргузган сойи меҳри висол,

Айлагай шоминг сахарга интикол...

Аждаходин етмагай кўнглунгда ранж,

Ўйла бўлмиш бўлгай ул машъуф ганж.

Алишер Навоий ҳар бир водий таърифидан сўнг шу водий мохиятини очиб берувчи хикоят ҳам келтиради. Жумладан, асарда талаб водийси билан боглик куйидаги хикоят берилади:

Кадимда бир кудратли подшоҳнинг Юсуфдек гўзал ўғли бўлган экан. Бутун олам аҳли унга ошику шайдо бўлиб, агар у катл этмокчи бўлса ҳам, кишилар бундан гам чекишмас экан. Бир куни у саҳрода айланиб юриб, минглаб ошики зорларнинг унинг ишида изтироб чекаётганлигини кўради [5]. Улар орасида икки девона шахзоданинг диққатини тортади. Мулозимлар уларни ушлаб қаср томон олиб келадилар. Шох улардан бирини зиндонга ташлаб, иккинчисини ўзига итбоқар қилиб тайинлайди. Шунда улардан бири иккинчисидан бу азоб-укубат ичида холи қандай эканлигини сўраганида у бу ҳолат машаққат эмас, балки ошиқ учун роҳат эканлигини айтади. Иккинчиси ҳам бу сўзларни тасдиқ этиб, ошиқ ўз маъшуқи васлига талабгор экан, бу азоблар унга қафат мамнунлик бахш этишини баён қилади. Бу сўзларни пана жойдан эшитиб турган шахзода бениҳоя хурсанд бўлиб, уларни ўзининг яқин маҳрамларига айлантиради.

Хикоятдан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, талаб водийсига қадам қўйган солиқ ошиқликдан келадиган жами синовларга, машаққат ва укубатларга тайёр туриши, маъшук васли йўлидаги қийинчиликларни бахту саодат деб қабул қилиши керак. Зеро, бу водийдан мақсад Яратганнинг васлидир.

2. *Ишк водийси* – бу водийда қушларнинг қалбини Симургнинг ишқи банд этади, улар ўзларини ва дунёни унутадилар. Алишер Навоий бу водийни шундай таърифлайди:

Ишк келди машаъли гетифуруъ,

Дема машъал шуълайи офоксўз.

Ишк аро хар кимса дархур бўлмагай,

Ўтка лойик жуз самандар бўлмагай...

Куймаган ишк ичра эрмас ишкбоз,

Ошик эрмас, улки эрмас жонгудоз.

Мазкур водий тавсифи учун хазрат Алишер Навоий Асмаъий [\[6\]](#) билан боглик хикоятни келтиради. Хикоятга кўра, Асмаъий хаж томон кетаётиб, бир чашма бошида ёзув битилган тошни кўради. Тошда шундай деб ёзилган эди: “Эй Хижоз ахли! Бир сирнинг чорасини топсангиз: агар киши ишкка мубтало бўлиб, ишк уни сабру кароридан жудо этган бўлса, нима килсин?”

Асмаъий кўлига калам олиб, ёзув тагига шундай сўзларни битади: “Кимки бу халокатли йўлга кирган бўлса, ундан кўркмасин”. Бу сўзларни ёзиб бўлиб, Асмаъий яна йўлида давом этади. Эртасига яна шу жойга келиб караса, тошда янги ёзув пайдо бўлган экан: “Агар ошик пок бўлсаю, ишкини яширин сакласа, лекин мухаббат шиддатидан токати ток бўлиб, васлга эхтиёж сезса, бунинг иложини топмаса, нима килсин?” Асмаъий бу сўзларни ўкиб, калами билан шундай деб ёзиб кўяди: “Агар ўша дардли инсон насихатларимдан ўз максадига эришмаган бўлса, ўлсин ва ишк ўтидан ўзини халос килсин!”

Орадан бир кун ўтиб, ошикнинг жавобини билиш учун ўша жойга келган Асмаъий чашма

ёнида бошини тошга уриб, халок бўлган бир кишини кўради. Асмаъий бу холдан азобланиб, халок бўлган ошик учун мотам тутди ва мархумни қабрга кўяди.

Ушбу хикоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, ошикнинг асосий маслаги – ишк йўлида жисмдан воз кечиш ва ёр учун ўлмокликни арзимас иш деб билиш.

3. *Маърифат* водийси – бунда қушлар Симург ҳақидаги билимлар, гоълар чексизлигини ҳис этадилар, Симургни таний бошлайдилар.

Қимқи бу водийга бўлди муттасиф,

Топти анда қолларни мухталиф.

Водийедур, юз туман минг онда йўл,

Ул бу бир қелмай, онингдекки бу ул...

Гар сулук атворида тагйир эди,

Махсади лекин борининг бир эди.

Водий таърифига илова тарзида куйидаги хикоят келтирилган: Айтишларича, бир куни бир гурух кўрлар такдир тахососи билан Хиндистонда бир муддат яшаб, ўз юртларига кайтибдилар. Шунда бир киши улардан: “Хиндистонда филни кўрдингларми?” – деб сўрабди. Кўрлардан тасдик жавобини олгач, филнинг кандай хайвон эканини таърифлашларини илтимос килибди. Шунда кўрларнинг хар бири филнинг маълум бир аъзосини пайпаслаб хосил килган тасаввури асосида филни устунга, аждахога, иккита суякка, осилиб турган илонга, чўккига, кимирлаб турган икки елпигичга ўхшатибди. Уларнинг таърифини тинглаб турган филбонликдан хабари бўлган бир киши кўрларга танбех бермасдан, шундай дебди: “Гарчи улар ўз билганларича сўз айтиб, бир-бирларига зид фикрларни келтирган бўлсалар-да, уларнинг айтганлари кечирарлидир. Чунки улар айтган бу сифатларнинг барчасини бир ерга жам килса, бу жавоблардан фил хакидаги муайян тасаввур пайдо бўлади”.

Хикоятдан келиб чикадиган хулоса шуки, Аллохни таниш ва билиш йўли хар бир солик учун ўзига хос бўлиб, бу йўллар канчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг махсади бир – Яратганни англашдир.

4. *Истигно* (эхтиёжсизлик) водийсида кушларнинг эхтиёжманд, Симургнинг эса эхтиёжсизлиги тасвири баёнида соликнинг мана шу эхтиёжсизликни англаб етиш замиридаги холати ифодаланади. Навоий водийни шундай тасвирлайди:

Водий ондин сўнгра истигнодурур,

Онда тенг аълову гар аднодурур...

Етти кишвар ичра шохи кахрамон,

Бир гадо онда хамону ул хамон...

Онда тенг кўр гумраҳу огоҳни,

Дайр кўйи бирла Байтуллоҳни.

Водий мохиятини ёритиш учун Алишер Навоий шатранж ўйини билан боғлиқ хикоятни келтиради. Унга кўра, икки шатранж устаси икки томонга ўтириб, ўртага тахтани кўйган холда унга шатранж доналарини териб чикишади. Икки ўртада кураш бошланади. Бунда шатранж тахтаси ўраб олинган калъага, ундаги кураш эса худди хақиқий уруш майдонига ўхшаб қолади. Агар ўйин тугаб, шатранж ўйновчи тахтанинг бир четини кўтарса, буларнинг барчаси бир зумда йўққа чиқади. Чунки шатранж ўйновчи уста учун ўйин тугагач, шатранж доналарининг ҳеч қандай фарқи қолмайди. Шатранж доналари ҳалта ичига солингач, “шоҳ” қуйи тушиши, “пиёда” эса юқорига кўтарилиши мумкин. Хулоса шундаки, Ҳақ наздида барча инсонлар шатранж доналари қаби “ҳаёт ўйини”дан сўнг тенг даража қасб этадилар.

5.Тавхид (бирлик) водийси. Бутун борлик ягона рух – Симургдан иборат эканлигини тушуниш:

Чун бу водий сори сайринг кўйди гом,

Фарду яктолиг санга бўлди маком...

Бирда бирдин хосил ўлди бир адад,

Йўк хирадка мунда дам урмокка хад...

Бир бўлу, бир кўру, бир де, бир тила,

Майл килма мунда иккилик била.

Водий мохиятини янада аниқ ифодалаш учун Алишер Навоий Мансур Халлож [7] билан боғлиқ воқеани келтиради. Унга кўра, Мансур Халлож доим тилида “Анал Хак” жумласини такрорлаб юради. Дин арбоблари: “Сенга юзланган ҳолат сулуқ аҳлининг кўпига аён, лекин улар одоб саклаб, ўз даъволарини ошқор қилмаганлар. Сен ҳам нафсингни дорга сазовор қилма”, – деб насиҳат қиладилар. Лекин Мансур Халлож бу жумлани такрорлашдан тўхтамайди. Бир куни у тушида Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўради. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг дилидаги “Нега Мухаммад (с.а.в.) меърож кечаси фақат ислом умматининг гуноҳини сўради, барча осийларнинг гуноҳини тилаганда нима бўларди” деган ўй-хаёли учун унга танбех беради:

Онда менликнинг хаёли йўқ эди,

Балки бу лафз эҳтимоли йўқ эди.

Элтган ул эрди бошлагон ҳам ул,

Истагон ҳам ул, бағишлагон ҳам ул...

Ул эди дегон ўзи, бергон ўзи,

Базл аро сочкон ўзи, тергон ўзи.

Хикоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, Мансур Халлож тавҳид моҳиятини тўла англаб етмагани учун “менлик” ҳаёли билан “Анал Ҳақ” жумласини такрорлаб юрар эди. Аслида тавҳид водийсида “менлик”ка йўл йўқ.

1. *Хайрат* водийси – Симургнинг улугворлигидан хайратга тушиб, ақлдан маҳрум бўлиш.

Алишер Навоий мазкур водий ҳақида шундай дейди:

Хайрат айлар тилни гунгу лол ҳам,

Ақл зойил, ҳушни помол ҳам...

Йўқни билмас, борини ҳам онгламас,

Не буларни тонглару, не тонгламас...

Фоний эрканнию бокийлигни хам,

Маст эрканнию сокийлигни хам.

Алишер Навоий мазкур водий билан боглик карашларини ифодалаш учун бир бора васл шаробидан маст бўлиб, ўзини йўкотган ва хажрда колган йигит хакидаги хикоятни илова килади. Унга кўра, бир подшоҳнинг хуснда ягона кизи тушида бир йигитни кўриб, севиб колади. Бир куни отасининг базмида у йигитни кўриб, хушидан айрилади. Йигит хам кизни кўриб, ишқда ёна бошлайди. Подшоҳнинг кизи ўзига якин бўлган икки махрам канизагига ўз сирини очиб, дардига даво топишларини ўтилади. Бу икки канизак жуда устомон ва аклли бўлиб, ўз маликаларининг хажр ўтини бартараф этиш учун йигитни излаб топиб, у билан дўст тутинадилар. Сухбатларда йигит ўз ишки хакида уларга айтиб беради. Икки канизак базм уюштириб, йигитни чорлайдилар, кўшик айтиб, май билан маст киладилар. Сўнг подшоҳнинг кизи хузурига йигитни элтадилар. Йигит у ерда хам май ичади, аклли олгувчи базмда маст бўлади, мутлако ўзини унутади... Нихоят хуши ўзига кайтгач, маъшука васлининг тушми, ўнгми эканини фахм этолмай, паришон бўлади. Атрофдагилар унинг холини сўрашса, мен хажр ўтида ёняпман, яна холимни сўраб, азобга солманг, деб жавоб беради. Буюк шоир бу хикоятни айнан хайрат водийси билан боглаб келтирар экан, Хак васли сари интилган солик хали чинакам висолга эришмай туриб, ундан бенихоя хайратга чулганиб, ўзлигини унутишига ишора кияпти. Бу эса ўз ўрнида чинакам дийдор учун солик руhini тайёрлаш боскичини ўтайди.

7. *Ф акру фано водийсида ўзликдан воз кечиб, Симург билан бирлашиш, абадийликка кайтиш мохияти мужассам. Навоий бунга шундай таъриф беради:*

Йўк бу водий ичра жуз хомушлук,

Гунгу кар бўлмоглигу беҳушлук...

Хар неким килсанг гумон топгон вужуд,

Буди йўк, бу навъ эрур бори намуд.

Гайри ҳакким, кодири барҳакдур ул,

Борча фоний, бокийи мутлакдур ул.

Ушбу водий шарҳида Навоий бир эмас, тўрт ҳикоят келтиради. Улар орасида “Парвоналар ва шам” ҳикояти алоҳида аҳамиятга эга. Ҳикоятга кўра, бир кеча парвоналар жам бўлиб, шамга етишмокни мақсад қилишибди. Канотларини ўтда ёкишга ҳозирлаб, ўз холларини изҳор қилмокчи бўлибдилар. Парвоналардан бири канотларини қоқиб, шамда ёна бошлабди ва шам ҳақидаги сўзларни бошқа парвоналарга аён қилибди. Парвона ҳар қанча равшан сўзламасин, эшитувчилар уни англай олмабдилар. Шунда бошқа парвоналар ҳам бу ҳолни англамок учун уриниб кўрибдилар ва ўз канотларини қуйдирибдилар. Сўнгги парвона кўркмасдан ўзини шуълага уриб, пок бўлибди ва ўзи ҳам шуълага айланибди. У ўз мақсади ичра нобуд бўлибди ва фанода айна муддаога эришибди. Ҳикоятдан қелиб чиқадиган ҳулоса шуки, қуймай туриб, шам билан бирликка

эришиб бўлмайди. Солик фано бўлмай туриб, абадийликка, Хак висолига эришолмайди. Шоир хикоят сўнгида Фоний тахаллусини кўллаш билан водий мохиятини янада теранрок, чукуррок англатади:

Фоний, лофи фано урмоғни кўй,

Васл эса коминг, фано ўтига куй.

Эврулуб шамъ ўтига парвонавор,

Ўзни ташла шуълага девонавор.

Нихоят водийлар сўнгида факат ўттиз куш колганлиги маълум бўлади. Ўттиз куш форсчада “Си мург” дегани. Бу кушлар каерга бокмасинлар, у ерда ўзларининг аксларини кўра бошлайдилар:

Кўрдилар ўзни каёнким тушти кўз,

Оллох-Оллох не ажойибдур бу сўз.

Ким килиб Симургни ўттиз куш хавас,

Ўзларин кўрдилар ул Симург бас.

Достон сўнгида кушлар ўзларидаги Симургни кашф этадилар.

Тасаввуф фалсафасига кўра, бу дунё Хакнинг тажаллийси – Аллохнинг жилоланишидир. Дунёдаги барча мавжудот Аллохнинг зухуридир. Шу маънода инсон ҳам ўзидаги мана шу заррани кашф этмоги, бунинг учун эса жуда узун ва машаққатли йўлни босиб ўтмоги керак. Бу юкорида келтирилганидек, етти водийдир. Сўнгги водий факру фано водийси, яъни йўкликка айланиб, Оллохга кўшилмокдир.

Шундан келиб чикиб, айтиш мумкинки, Симург – Хакка етишиш тимсоли. Кушлар – Хак васлига талабгор соликлар тимсоли. Худхуд эса пири комил рамзи.

Юкорида кўринганидек, “Лисону-т-тайр” достони Фаридиддин Атторнинг “Мантику-т-тайр” достонига жавоб тарзида ёзилган. Бир карашда бу икки достондаги воқеалар ривожини ҳам, ундаги қахрамонлар ҳам бир хилдек тасаввур уйғонади. Аслида, ҳар икки муаллиф гоёвий нуктаи назар ҳамда қахрамонларга зиммасидаги бадий юк жихатидан бир-бирларидан фаркланадилар. Адабиётшунос З.Мамадалиева ўзининг “Алишер Навоий “Лисону-т-тайр” достонидаги рамзий образлар тизими” номли тадқиқотида мазкур икки достондаги рамзий тимсолларни талкин қилиш асносида Навоий достонидаги Худхуднинг ўзига хос бир неча хусусиятларини кўрсатиб ўтади:

1) Навоий талқинидаги Худхуд комил инсон рамзи бўлиш билан бирга муаллифнинг достондаги биринчи рақамли тимсоли ҳамдир;

2) Навоий тасвирлаган Худхуд юксак ирфоний масалаларни хар бир кушнинг даражасига мос равишда содда хаётий воқеалар ва мисоллар билан тушунтириб беради;

3) Фаридиддин Аттор ўз достонида асар сюжети хеч бир воқеасиз кушларни таърифлаш билан бошлайди, “Лисону-т-тайр”да эса кушларни таърифлаш вазифаси Худхудга юкланади;

4) “Мантику-т-тайр”да етти водий таърифи келганда Худхуднинг вазифаси тугайди, лекин Навоий достонидаги Худхуд кушларни сўнгги водий факру фано водийсида ҳам кўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, тадқиқот муаллифининг фикрича, “Мантику-т-тайр”даги гоъга кўра, ундаги кушлар Симургнинг соъси, холос. Яъни улар Симургга интилганларидагина ахамиятли. Кушлар (инсонлар)нинг бу дунёдаги хаёти хижрон ва айрилиқда. Навоийда эса уларнинг яратилиши хижрон ва айрилиқда эмас, балки Яратганнинг хикматидадир. Шу маънода икки достонда вахдату-л-вужуд фалсафасининг икки хил талкини акс этганлигини кўраимиз. Аттор достонида кушлар сўнгги водийда Симург билан бирлик касб этадилар, Навоий достонида эса риёзат чекиш асносида покланиб, ўзларидаги Симургни кашф этадилар.

Достондаги баъзи кушларни рамзий тимсоллар сифатида куйидагича талкин килиш мумкин:

Товус – дунё гўзаллигига махлиёлик.

Карчигай – хокимлик килиш истаги.

Булбул – фоний дунё ошиги.

Каклик – ўз рафтору амалларига махлиё бўлиш.

Бургут – маъсадсиз куч-кудрат.

Товук – фикрий, маънавий парвоздан махрумлик.

Бундан келиб чиқадики, кўпчилик Хакка етишиш даъвоси билан сулукка кириши мумкин, лекин ҳамма ҳам бу йўлдаги имтихон ва синовлардан ўта олмаслиги мумкин экан.

“Лисону-т-тайр” достони Аттор достони сингари рамал бахрининг *рамали мусаддаси*
махзуф вазни

(руқнлари ва тактиъи: фоилотун фоилотун фоилун

– V – –

–

V

–

–

– V –) вазнида ёзилган.

Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Лисонут тайр. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1994. 12-жилд.

2. Navoiy Alisher. Lison ut-tayr (nasriy bayoni bilan). – Т.: Gʻ.Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa uyi, 2005.

3. Лисонут тайр (насрий баёни билан). Тахрир хайъати: А.Каюмов ва бошк. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
4. Н.Комилов. Тасаввуф. –Т.: Моварounnahr – O‘zbekiston, 2009.
5. Бертельс Е.Э. Навои и Аттар / Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965. – С.377-421.
6. Имомназаров М. Хакикат ва мажоз (2-3-маколалар) // Шарк юлдузи. – Т., 1989. - № 4; 1991. - № 4.
7. Олимов С. Ишк, ошик ва маъшук. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1992.
8. Шарипов Ш. Алишер Навоий “Лисонут тайр” достонининг генезиси ва гоаяий-бадий хусусиятлари. – Т.: Фан, 1982. – 96 б
9. Шарипов Ш. “Лисонут тайр” хакикати. – Т.: Маънавият, 1998.
10. Мамадалиева З. Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образлар тизими. Филол.фан.номз.дисс. – Т., 2011.

[1] Шайх Санъон (ибн Сакко) XI-XII асрларда яшаган тарихий шахс.

[2] Жунайд Багдодий – тасаввуфдаги сахв (хушёрлик) концепциясининг асосчиси. 910 йилда вафот этган.

[3] Боязид Бистомий – тасаввуфдаги суфра (илохий шаробдан мастлик) (девоналик) йўлининг асосчиси. 961 йилда вафот этган машхур шайх.

[4] Фоний – ўзлигидан кечиб, Хак васлига етишган солик

[5] Тасаввуф таълимотига кўра, маъшук, яъни илохий мазхар моддий жисмдан холи деб каралади, унинг жинси ва ёши (аёл ёки эркак, кекса ёки навкирон эканлиги) ахамият касб этмайди. Шу ўринда, буюк сўфий Шамс Табризий ва сохирнафас шоир Жалолиддин Румийларнинг мухаббатини эсга олиш кифоя.

[6] Асмаъий Абу Саъид Абдумалик бинни Курайб – 828 йилда вафот этган машхур араб тилшунос олими.

[7] Мансур Халлож – 858-922 йилларда яшаб ўтган сўфий шахс. “Анал Хак” – “Мен Хакман” дегани учун рухонийлар томонидан ўлимга ҳукм килинган. Тасаввуфдаги суфра йўли тарафдорларидан.

Дилнавоз Юсупова